



## АЗМУ ШИЖОАТЛИ ЁШЛАРИМИЗ БИЛАН БИРГАЛИКДА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ АЛБАТТА БУЊЁД ЭТАМИЗ

### БИЛИМЛИ ЁШЛАР – КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

30 июнь – Ёшлар куни. Янги Ўзбекистонда келажакимиз бунёдкорлари бўлмиш ёш авлодни қўллаб-қувватлаш мақсадида эълон қилинган шукхўли байрам.

Бундан ропла-роса тўрт йил муқаддам Президент Шавкат Мирзиёев ёшлар ҳаракати қурултойида қатнашиб, 30 июнь санасини мамлакатимизда Ёшлар куни, деб эълон қилишни тақлиф этган эди. Шундан буён ушбу сана юртимизда катта байрам сифатида нишонланиб келмоқда.

Ёшлар куни муносабати билан жорий йилда Тошкент Ботаника боғида Ўзбекистон ёшлари ва талабалари форуми ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 июнь куни мазкур форумга ташриф буюрди.

Форум ўтаётган Ботаника боғи байрамона безатилган. Ёшларнинг илм-фан, технологиялар, адабиёт, санъат каби соҳаларда эришаётган натижаларини акс эттирувчи кўргазма ва намоишлар худудлари ташкил қилинган.

Давлатимиз раҳбари ушбу кўргазмалар бўйлаб юриб, ёшларнинг ихтиролари, маҳорати, бадий чиқишларини кўздан кечирди. Улар билан суҳбатлашиб, ўқш ва изланишларига муваффақиятлар тилади.

Президент байрам тадбири майдонига келиб, барча йигит-қизларни Ёшлар куни билан табриклади.

Маълумки, ушбу айём Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллиги арафасида бўлиб ўтмоқда. Энг улуғ, энг азиз байрамимизни муносиб қутиб олиш учун бутун мамлакат бўйлаб амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларида ёшларимиз ҳам фаол иштирок этмоқда.

Давлатимиз раҳбари юртимиз бўйлаб 6 миллионга яқин ғайрати баланд, интилувчан ўғил-қизлар иштирокида “Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!” шiori остида ўтказилган фестиваллар барча ёшларимиз учун етуқлик ва ҳақиқий ватанпарварлик кўриги бўлганини таъкидлади:

— Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган умумхалқ ҳаракати сафларида сиз, азиз ёшларимизнинг қудратли тўлқин бўлиб майдонга чиқаётганингиз, юксак таҳсинга сазовордир, — деди Шавкат Мирзиёев.

▶ Давоми 3-бетда



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЁШЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ МАЪРУЗАСИ

Қадри ёшлар, азиз фарзандларим!  
Сизларни ва бутун Ўзбекистон ёшларини бугунги қутлуғ байрам — Ёшлар куни билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Ҳеч шубҳасиз, ушбу айём Ўзбекистон мустақиллигининг 30 йиллиги арафасида бўлиб ўтаётгани унга янада чуқур мазмун ва кўтаринки кайфият бағишламоқда.

Шу кунларда энг улуғ ва энг азиз байрамимизни муносиб қутиб олиш мақсадида бутун мамлакатимиз бўйлаб катта бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Янги-янги sanoat корхоналари, замонавий уй-жойлар, коммуникация ва инфратузилма тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари барпо этилмоқда. Албатта, бутун халқимиз қатори сизлар ҳам ушбу жараёнларда фаол иштирок этмоқдасиз.

Юртимиз бўйлаб 6 миллионга яқин ғайрати баланд, интилувчан ўғил-қизларимиз

иштирокида “Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!” шiori остида ўтказилган фестиваллар барча ёшларимиз учун етуқлик ва ҳақиқий ватанпарварлик кўриги бўлди. Ушбу фестиваллар бундан буён нафақат вилоят марказларида, балки ҳар бир туман ва шаҳарда ўтказиб борилади ва уларда кўтарилган масалалар ечимини бўйича ҳар йили Ҳукумат алоҳида дастурлар қабул қилади.

Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган умумхалқ ҳаракати сафларида сиз, азиз ёшларимизнинг қудратли тўлқин бўлиб майдонга чиқаётганингиз юксак таҳсинга сазовордир.

Албатта, ёшликка хос шижоат, жўшқинлик ва мардликни, эзгу орзу-интилишларни амалий ҳаракатга айлантириб, салмоқли натижаларга эришиш учун инсон ўз олдига аниқ мақсад кўйиб яшаши керак.

Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, буюк аждодларимиз эришган оламшумул ютуқлар замирида аввало она Ватанга, халққа хизмат қилишдек олижаноб мақсад мужассам эканини кўраимиз. Масалан, Абу Райҳон Бериуний, Мирзо Улуғбек сингари улғ алломалар, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби шоир ва мутафаккирлар, Абдулла Авлоний, Фитрат, Абдулла Қодирийдек маърифатпарвар адиб ва олимлар машҳур илмий кашфиётларини, ўлмас бадий асарларини айнан сизларнинг ёшингизда яратганларини ҳаммамиз яхши биламиз ва бу билан фахрланамиз.

Бизнинг томирларимизда ана шундай улғ боболаримизнинг қони оқар экан, уларнинг муносиб ворислари бўлиш, улар каби юксак мақсадлар сари интилиб яшаш барчамизнинг эзгу бурчимиздир.

Бугун биз давлатимиз ва жамиятимизнинг

бор куч ва имкониятларини сафарбар этган ҳолда, мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлида катта қадамлар қўймоқдамиз.

Бу борада юртимизда мутлақо янги шакл ва мазмундаги Президент мактаблари, ижод ва ихтисослашган мактаблар тизими яратилганини таъкидлаш лозим. Ушбу мактабларда таълим олаётган қўллаб ўқувчилар нуфузли халқро танловларда юқори натижаларни қўлга киритмоқдалар.

Мисол учун, Андижондан Дурдона Мухторхўжаева, Бухородан Фирдавс Собиров, Доғий Исмоилов, Сирдарёдан Илғор Қодирқулов, Набихон Набиҳонов, Тошкент шаҳридан Нодира Саъдуллаева, Искандар Бўриев, Дилшод Хўжақулов, Раил Хашаев физика, математика ва кимё бўйича халқро олимпиадаларнинг олтин, кумуш ва бронза медалларига

сазovor бўлдилар. Бундай зукко ва билимдон фарзандларимиз билан ҳар қанча фахрлансак, арзийди.

Фурсатдан фойдаланиб, уларнинг ана шундай ютуқларга эришишига катта ҳисса қўшган жонқуяр ота-оналарига, заҳматкаш устоз ва мураббийларига ҳам ўзимнинг самимий миннатдорлигимни билдираман.

Эндиги муҳим вазифамиз — мана шундай фарзандларимиз орасидан янги авлод берунийларини, ибн сино ва улғбекларини, хоразмий ва фарғонийларини тарбиялаб, вояга етказишдан иборат. Бу йўналишда “Беруний издошлари”, “Мирзо Улуғбек ворислари”, “Алишер Навоий давомчилари” каби кўрик-танловлар ўтказиб, ғойибларни рағбатлантириш тизими йўлга қўйилади.

▶ Давоми 2-бетда

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН АТЛЕТЛАРИНИ КУТИБ ОЛ, ТОКИО!



Ҳар қандай мамлакатнинг дунёда обрў-эътибори ва нуфузини белгилаб берадиган асосий омиллардан бири спортдир, десак муболага бўлмайди. Бинобарин, спорт — улкан имкониятлар, барқарор тараққиёт, тинчлик ва келажакка қатъий ишонч рамзи, орият ва ғурур, юксак ирода ва матонат тимсоли. Спортни ривожланган мамлакатнинг салоҳияти баланд, мақсадлари катта бўлиши исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат.

▶ Давоми 6-бетда

### НУҚТАИ НАЗАР

## ПАХТА СИЁСАТИ ВА МОНОКУЛЬТУРАСИ

Президентимизнинг кластер ғояси ундан чиқишда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда



**Муртазо РАҲМАТОВ,**  
Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, сенатор

Олий Мажлис Сенати аъзоси, сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг яқинда “Халқ сўзи” газетасида эълон қилинган “Миллатпарвар” мақоласида кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга кенг шарҳ берилди. Хусусан, иқтисодиётимизнинг етакчи соҳаларидан бири бўлган қишлоқ хўжалигида юз бераётган инқилобий ўзгаришлар чуқур таҳлил этилар экан, пахта сиёсатидан халқнинг озод қилингани улар орасида энг муҳими экани алоҳида эътироф этилган.

“Шавкат Мирзиёев дадил амалга оширган ўзгаришлардаги яна бир муҳим жиҳат шуки, буни мен озодликка эришганимиздан кейинги буюк ва тарихий ислохот, деган бўлардим. Пахта далаларига сочилиб кетган миллат болаларини эгаллардан қайтариб олди. Унинг эзилган боши, тулроққа қорилиб кетган кадр-қимматини тиклади... Мамлакат халқро ҳамжамият

олдида болалар меҳнати, аёлларни оғир ва хатарли меҳнатга жалб қилиш, мажбурий меҳнат деган таъна-дашномлар, исноддан қутулди, турли иқтисодий чекловлардан озод этилди”, деб ёзди муаллиф. Дарҳақиқат, ислохотларнинг янги даври бўлмиш охири беш йилликда пахтадан “сиёсий экин” туси том маънода олиб ташланди. Давлатимиз раҳбари-

нинг қишлоқ хўжалигини модернизация ва диверсификация қилиш, соҳага бозор иқтисодиёти тамойилларини амалда жорий этиш, пахтачиликда тўлиқ кластер тизимига ўтишга қаратилган тарихий қарорлари бунда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

▶ Давоми 4-бетда









www.yuz.uz yuz.uznews yuz\_official yuz.uz\_news

# 30 ИЮНЬ — ЁШЛАР КУНИ

## УЛАРНИ ҒАЙРАТ, ШИЖОАТ ВА ТАШАББУС БИРЛАШТИРАДИ

Ирода ТОШМАТОВА,  
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Мамлакат келажagini тезкор фикрлайдиган, замонавий билим ва тафаккурга эга, илғор гоъларни ҳаётга татбиқ эта оладиган, ҳар томонлама етук ёшлар яратлади. Бугун янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислохотларни амалга оширишда фаоллик кўрсатаётган ташаббускор ёшлар замонамизнинг чинакам қаҳрамонларига айланмоқда.

Улар бизнинг орамызда. Биз улар билан ҳамнафас яшаймиз. Эришаётган ютуқлари, муваффақиятларига бевосита гувоҳ бўляпмиз. Кўпчилиги сўнгги йилларда юртимизда яратилаётган кенг имкониятлардан самарали фойдаланиб, турли соҳаларда мамлакат иқтисодийёти, жамият ривожига сезиларли ҳисса қўшмоқда.

Мақсади сари дадил қадам ташлаётган йигит-қизлар орасида андижонлик ёш тадбиркор Нурислон Юсупов ҳам бор. Ишбилармонлик фаолиятини 21 ёшида мустақил бошлаган қаҳрамонимиз "Saxovat tex" қўшма корхонасига раҳбарлик қилади. Болалигидан отасидан тадбиркорлик сирларини ўрганган йигит ўзига ишониб, дадил ҳаракатлана бошлади. Унинг биринчи шартномаси туркиялик ишбилармон билан имзоланган.


— Туркиялик тадбиркорлар ип билан боғлиқ янги турдаги буюртма беришганда, бундай йўналиш ҳали мамлакатимизда ривожланмаган эди, — дейди Нурислон. — Шунга қарамай, иккиланмасдан ишни бошладим. Туркиядан 5 та ускуна олиб келдик. 1,5 минг квадрат метр майдонда тикув корхонаси ташкил этиб, 35 та хотин-қиз иш билан таъминланди. Ишларим аста-секин ривожланиб, қўшма корхонамиз фаолиятни кенгайтиди. Ҳозир унда 711 нафар киши меҳнат қилапти.

29 ёшли Нурислон корхонанинг 7 та тармоғини бошқаради. Уларда барча турдаги тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Бугунги кунда кластер тарзида фаолият юритаётган корхонанинг 3 минг гектар майдонида пахта ва галла етиштириш йўлга қўйилган. Занжир мисол бйр-бирига уланган тизимда хомашадан тортиб, тайёр маҳсулотгача чиқарилади.

Маҳсулотлар "Аҳсан" бренди остида Россия, Украина бозорларига экспорт қилинмоқда. Утган йили экспорт ҳажми 5 миллион 600 минг АҚШ



долларини ташкил этди. Ёш тадбиркор Европа бозорларига чиқиб, тармоқ дўконлари билан ишлашни, фаолиятини янада кенгайтириб, утган йили Президентимиз билан учрашувда ваъда берганидек, ишчи ўринларини мингга етказишни мақсад қилган.



## МАҲСУЛОТЛАРИМИЗГА ЧЕТ ЭЛДА ҲАМ ЭҲТИЁЖ БОР

### Бу эса ёш ҳунарманд Феруза Қурбоновага куч ва шижоат бағишлайди

Асли Навоий вилоятининг Кизилтепасида туғилган Феруза Қурбонованинг анчадан буюн пойтахтда истиқомат қилаётганига ижодкорлиги сабаб. Унинг болаликдан расм чизиш, тикишга меҳр қўйганини кўрган онаси астойдил қўллаб-қувватлади. Кейинчалик рассомчилик, тикувчилик тўғраракларига берди.

Пойтахтдаги нуфузли лицейни рассомчилик йўналиши бўйича тамомлаган Ферузанинг дизайн соҳасига ҳам муҳаббати орди. Уқишини шу йўналишдаги коллежда давом эттирди. Ташкилот давлат техника университетида олий маълумотли бўлди. Айна пайтда магистратура босқичининг 2-курсига таҳсил олаётган қаҳрамонимиз миллий кийимлар, тақинчоқларни замонавий услубда ясашга қизиқади. 2015 йилдан "Ҳунарманд" уюмиса аъзоси.

Дастлаб республика миқёсидаги кўргазма ва фестивалларда, 2018 йилдан халқроқ кўргазмаларда ҳам иштирок эта бошлади. Хусусан, Тожикистон, Қирғизистон, Қозғистонда ўтказилган нуфузли фестиваллар, Бельгия, Нидерландия, Францияда элчионалар кўни муносабати билан ўтказиладиган "Embassy day" фестивалларида Ўзбекистон номини муносиб ҳимоя қилди.

— Сўнгги йилларда ҳунармандларга катта имкониятлар яратилди. Масалан, имтиёзли кредитлар, солиқлар масаласида. Аввал хорижга кўргазмаларга чиқиш учун божхонадан қиймати 5 минг долларгача бўлган юк-

ни узоқ вақт сақлаб қоладиган даражада ясашга ҳаракат қилади. Бундан ташқари, маҳсулотлари тери касалликларини чақирмаслигига ҳам кафолат беришади. Шунинг учун ҳам улар ясаётган тақинчоқларга буюртмалар кўп.

Ёш ҳунарманд фаолиятининг ўзига хослиги шундаки, у 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган мижозлар билан индивидуал ишлашни йўлга қўйган. Яъни барчага бир хил тақинчоқ таъсия этилмайди. Мижозларнинг бўйбаста, юз шакли, терисининг рангига эътиборга олинб, айнан харидор хоҳлаётган буюм ясаб берилади. Зеро, ҳар ким ўзининг кўнглидаги кийими-ю буюми бўлишини истайди. Тақинчоқ дизайни жуда ёқиб қолган мижозлар талаби билан маҳсулот кумуш ёки тилладан ҳам ясаб берилади. Юқорида айтганимиздек, ҳунарманд тикувчиликдан ҳам хабардор. Миллий тақинчоққа уйғун либос тикиш, либосга монанд тақинчоқ ясаб бетақор дизайнлик ва ижодкорлик талаб қилади.

Бир пайтлар атиги 12 минг сўм билан иш бошлаган Феруза бу пулга тақинчоқ учун ке-



нигина олиб чиқиш мумкин эди. Ҳозир ана шу чекловлар олиб ташланган. Қолаверса, миллий каталогга кирган ҳунармандлар учун божхона хизматларида 25 фоизгача имтиёз бор. Буларнинг барчаси учун Президентимизга раҳмат, — деди биз билан суҳбатда ёш ҳунарманд.

Дарҳақиқат, бугун, "Ҳунари бор, хор бўлмас", деган мақол том маънода ўз ифодасини топмоқда. Ҳунармандлар учун имтиёзлар, ҳунармандчилик марказларида уларнинг оилавий яшаш учун алоҳида шароитлар мавжуд. Ферузанинг ҳам шахсий устахонаси, сотув дўкони бор. Дўконга ташриф буюрган туристлар миллий либос ва тақинчоқларга ҳайрат ва катта қизиқиш билан қарашди, санъат асарига сифатида эътироф этиши ёш ҳунармандни янги гоъларга, ижодга ундайди. Европа давлатларида кўп юмушлар автоматлаштириб кетгани, кўп меҳнати эса, жуда қадрлинишига гувоҳ бўлган.

— Улар шундай машаққатли меҳнатни аёллар урдулаётганига қўйил қолади, — дейди у. — Энг муҳими, маҳсулотларимизга Ўзбекистонда ҳам, чет элда ҳам эҳтиёж бор. Айниқса, миллий либос ва тақинчоқларимиз жозибаси қадрланаётгани қувонарли.

Қаҳрамонимизнинг айтишича, тақинчоқлар тошларининг оддий, табиийлигига қараб 200 мингдан уч миллион сўмгача солинади. Яна бир жиҳати, ушбу тақинчоқларни ҳар доим тақиб бўлмасда, қадрлашди, асраб-авайлашди. Шу боис, Феруза ва унинг шогирдлари ҳар бир буюм сифати-

ракли муноқларини сотиб ололган. Иш қуроли бўлмагани боис, битта зиракни (қўлида чақалоғи билан) заргарлик дўконига ўтириб ясаган. Ҳар қандай тақинчоқнинг 38 минг сўм бўлиб қайтган. Аввалига маҳсулотига нарх қўйишни ҳам билмаган ҳунарманд фақат меҳнати учун пул олган. Аслида, тақинчоққа ишлатилган металл, меҳнат, дизайн ҳаммаси ҳисоб-китоб қилиниб, нарх белгиланади. Буларни ҳам ўрганиб олган, унинг тадбиркорлик фаолияти бошланиб кетди. Тўғриси, ёш тадбиркор ўз фаолиятининг теъда ривожланиб кетишига ишонманган. Лекин ўз брендини яратиш нияти уни ҳаммаша ишлаш, изланишга ундади.

Айна пайтда Феруза "F.F collection" бренди остида миллийликка уйғунлаштирилган замонавий аксессуарлари, миллий либослари билан танилиб бормоқда. Бундан ташқари, у миллий соатлар дизайнини ҳам яратди. Моҳир ҳунарманд металл қуядиган технологиялар орқали маҳсулотларига керакли металл ҳам ўзи тайёрлашни орозу қилади. Бу бўйича ўз тақлифларини ҳам берган. Уйлаймики, яқин келажакда унинг бу эзгу мақсади ҳам амалга ошади. Зеро, бугун юртимиз ёшларининг хайрли ишлар йўлидаги мақсадларига раҳбарлар ҳам ҳайрихоҳлик билдирапти. Бу эса, юртимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар юксак даражада эканидан далолатдир.

Муножат МҮМИНОВА,  
"Янги Ўзбекистон" мухбири

## Интеллект — "енгилмас" куч

Илм эгаллаш — игна билан қудуқ қазишдек гап. Унинг машаққатига чидаш, натижасини кутиш учун метиндек сабр, ирода зарур. Тошкент давлат транспорт университети "Электротехника" кафедрасида доцент вазиқасини бажарувчи сифатида фаолият олиб бораётган техника фанлари бўйича фалсафа доктори Жаҳарбек Фаёзуллаев илм йўлини танлаган ёшлардан.

Одатда ўғил қароғай ёшлигидан автомобиллар уйнашга қизиқади. Уларда машина бошқаришга интилиш ўз ва кезлардаёқ шаклланади. Қақшадарё вилоятда туғилиб ўсган Жаҳарбек Фаёзуллаевда ҳам бундай қизиқиш бўлгани табиий. Аммо болалигидан уни кўпроқ темир йўлчиларнинг махсус либосида ишга отлангани, унга ҳавас билан қараб қолганини ҳамон ҳаяжон билан эслайди. Ана шу қизиқиш сабаб 2010 йилда унинг ўзи ҳам мазкур олий ўқув юрти талабасига айланди. Ушанда ўзи танлаган йўналишда илм олишга, отаси каби сеvimли устоз бўлишга қарор қилди.

Жаҳарбек иккинчи босқичдан таълимни Россия Федерациясидаги Петербург давлат темир йўл университетида давом эттирди. 4 йиллик таҳсилдан сўнг юқори тезликдаги электр транспорт мухтассислиги бўйича муҳандис дипломига эга бўлди.

— Отам — менинг биринчи устозим, — дейди ёш олим. — Транспорт, техника соҳасига қизиқишим ҳам, илмий фаолиятда эришган ютуқларим ҳам — бариди отамнинг ҳиссалари бор. Улар мени доим қўллаб-қувватлаб, мақсадимга етишимда ишонч, куч берадилар.



Қаҳрамонимиз соҳада яратган бир қанча ихтироларини ҳам отаси билан бирга амалга оширган. Илк лойиҳаларидан бири магнит эластик куч датчиги бўлган. Докторантура босқичидаги илмий иши мавзуси электровозлар билан боғлиқ бўлгани боис, гоъ ҳам шунга йўналтирилган эди. Муаллифларга ихтиро учун патент берилган.

— Магнитэластик куч датчиги аввал мавжуд бўлган, биз уни янада такомиллаштириш устида иш олиб бордик, — дейди Жаҳарбек. — Яъни жараёнда датчининг сезгирлиги, аниқлигини янада оширдик. Ушбу қурилма электровозлар тортувчи асинхрон моторнинг корпусига ўрнатилиб, унинг вибрация параметрларини аниқлаб беради. Бу орқали моторнинг техник ҳолати кузатиб борилади. Агар вибрация (титраш) chegaravi холатидан чиқиб кетса, датчик дарҳол сигнал беради. Натижада техник бўйлишини ўз вақтида бартараф этиш имконияти яратилади.

Маълумки, электровозлар контакт тармоғидан электр энергия олиб, юк ортилган вагонларни тортади. Қуввати, тортиш кучи катта бўлгани учун уларга тепловозларга нисбатан кўпроқ вагонлар уланади. Темир йўл транспортининг техник имкониятларини такомиллаштириш унинг ҳаракатланиш тезлиги ва қуланганини янада оширишга хизмат қилади.

Комбинациялашган қурилма ихтироси ҳам шу мақсадда яратилган. Электровоз асинхрон моторининг ташқи магнит оқимини ўлчашга мўлжалланган қурилма унинг корпусига эмас, ундан маълум масофа узоқликда ўрнатилади. У ташқарида турган ҳолда моторнинг ички қисмидаги ўзгаришларни аниқлайди. Техник ҳолатида носозлик зодага келса, электровоз машинистига сигнал беради.

Ҳозирча фақат синов тарихида ишлаб чиқарилган бу ихтироларни келгусида амалиётга кенг татбиқ этиш кўзда тутилган. Жаҳарбекнинг бу борада янги лойиҳалари ҳам йўқ эмас. У Тошкент давлат транспорт университетида талабаларга сабоқ бериш билан бирга изланишларини давом эттирмоқда. Бу борада ёш олимнинг бир қанча илмий мақолалари chop этилган. Эндиликда, долзарб мавзудаги монография устида иш олиб борапти.

## "Ҳеч нарса бирданга бўлмайди"



юритиб, ҳалол ва фидойи меҳнатлари учун кўп бора муқофотланган. Онандан қишлоқ хўжалигининг қўллаб йўналишини, соҳанинг сир-асрорини ўргандим. Шу боисми, бугунгача тармоқда деярли қийналмасдан ишлаб келяпман. Ҳар қандай йўналишда иш билми ва тажриба билан бошланса, машаққатлар бўлмайди, деб ҳисоблайман.

Фарғона тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришда ўзига хос тажрибага эга вилоятлардан ҳисобланади. Айниқса, сўнгги йилларда кичик ва ўрта бизнесга кенг йўл очилмоқда. Бу борада вилоят раҳбари Хайрулло Бозоров вилоят тадбиркорларига яқиндан кўмакчи. Вилоятда қишлоқ хўжалиги тармоғи ҳам сезиларли даражада ривожланмоқда. Кўп тармоқли фермер хўжаликлари сони ошиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш кўрсаткичлари ўсиб борапти.

Шу мақсадда, Равшанбек Аҳмедов раҳбарлигидаги хўжаликни ҳам кўп тармоқли фермер хўжалигига айлантириш ишлари бошланган. Ишлаб чиқилган лойиҳага кўра, хўжалик "пахта-галла" йўналишини сақлаб қолган ҳолда қўшимча 9 хил йўналишда иш олиб боради. Ҳозирда фермер хўжалигининг 15 гектарига сув ресурсларини тежовчи томчилатиб сўғориш технологияларини жорий этиш бўйича шартнома имзоланган. Яқин йилларда 5 миллиард сўм қийматидаги лойиҳа асосида паррандчилик ёки чорвачиликни йўлга қўйиш режаси ҳам бор. Бундан ташқари, хўжалиқда қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш заводини ишга тушириш кўзда тутилган. Умумий қиймати 2 миллиард сўм, деъ баҳоланган лойиҳани амалга ошириш орқали қўшимча 20-25 та иш ўрни яратилади.

Замонавий ишлаб чиқаришни илм-фан билан боғлаш яқин самара бериши амалиётда ўз исботини топмоқда. Фарғона политехника институтининг бакалавр ва магистратура босқичларини тамомлаган қаҳрамонимиз Фарғона вилояти бандлик бош бошқармаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ва Фарғона вилояти ҳокимлигида масъул лавозимларда ишлаб, ёшлар муаммоларини ўрганиб, уларга амалий кўмаклар кўрсатди. Бугунги кунда у ёш фермер бўлиши билан бирга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси ҳамдир.

Спортнинг футбол, бокс, қўл жанги турларига қи-

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг асосий тармоқларидан бирига айланб, юртимизда ушбу соҳани ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу эса деҳқонларнинг йирик кластерлар, фермер хўжаликлари ташкил этиб, тадбиркорлик фаолиятини ҳам йўлга қўйишига имкон яратаяпти. Айниқса, ер бериш, кредитлар ажратишда ёшларга кенг имтиёзлар тақдим этилиши соҳада йигит-қизларнинг сони ортиб боришига хизмат қилмоқда.

Фарғона вилояти Бағдод туманидаги "Замин қўши" фермер хўжалиги раҳбари Равшанбек Аҳмедов ҳам деҳқончиликни тадбиркорлик билан уйғунлаштириб, яқингина даромад олаётган ёшлардан.

2018 йилда тендер орқали 52 гектар ер олиб, ташкил этган фермер хўжалигида пахта, галла йўналишида иш бошлаган қаҳрамонимиз ҳар йили давлат режасини ортиги билан бажариб келмоқда. 5 нафар доимий, 20 нафар мавсумий ишчи ўрни яратган. Жорий йилда сабавот етиштиришни йўлга қўйиб, хорижга экспорт қилиш ниятида.

— Болалигимиздан ерга меҳр бериб катта бўлганми, — дейди ёш фермер. — Онам Матлуба Жўраева 51 йил қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият

